
ҚҮҚОНДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА ТУРИЗМ МАРКАЗИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЯКУНЛАНМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Қўқон шаҳрининг Боғистон кўчасида барпо этилаётган Ҳунармандчилик ва туризм марказида бўлиб, қурилиш ишларининг бориши билан танишди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига амалга оширилаётган, лойиҳа қиймати 12,5 миллион доллар бўлган Ҳунармандчилик ва туризм марказидан ҳунармандлар учун савдо расталари, тантаналар саройи, амфитеатр, йирик савдо мажмуаси, кўнгилочар масканлар, болалар ўйин зоналари каби обьектлар ўрин олган. Марказ ҳудудида сифими 5 минг кишилик масжид ҳам барпо этилмоқда.

Вилоят ҳокими марказ қурилишини муддатида якунлашга кўмаклашиш ҳамда мажмуа ҳудуди атрофини ободонлаштириш бўйича вилоят ва шаҳар масъулларига кўрсатма берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-17 20:06:45